



## СИФАТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

**Ёрматов Илмидин Тошматович**

Фарғона политехника институти,

Менежмент кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7188239>

### ARTICLE INFO

Received: 01<sup>st</sup> October 2022

Accepted: 05<sup>th</sup> October 2022

Online: 12<sup>th</sup> October 2022

### KEY WORDS

олий таълим, сифат,  
битирувчи, истемолчи,  
рақобатчи,  
инфраструктура, кадрлар  
бубртмачилари,  
истемолчилар, билим олиш,  
ишга жойлашиш,  
стандартлар, меърий  
хужжатлар.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бўлган сифатли кадрлар тайёрлаш масаласи таҳлил қилиб чиқилган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики таълим сифатини ошириш бўйича Ҳукумат ўзига тегишли бўлган барча функцияларни бажариб келмоқда. Энди навбат ОТМларнинг ўзига келди. Агар ОТМлар томонидан ушбу меъёрий хужжатларда кўрсатилган топшириқлар бажарилмас экан, таълим сифатини ошириш ва уни назорат қилиш, шунингдек, соҳаларни етук кадрлар билан таъминлаш масаласи оқсаб қолаверади. Шуни унутмаслик керакки, таълим сифати муаммоларини ҳал қилишда тизимли йўналишда фойдаланиш керак. Барча омилларни биргаликда бошқариш керак. Бу занжирдан бирон-бир омилни тушиб қолиши таълим сифатини бошқариш тизимида бузилишига олиб боради.*

Ҳозирги кунда Республикаимизнинг барча олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва унинг самарадорлигини янада юқори бўлишини таъминлаш учун тизимли равишда ишлар олиб борилмоқда. Лекин таълим сифати ва самарадорлигини оширишни ОТМлага боғлиқ бўлмаган муаммоли томонлари ҳам мавжуд. Таҳлиллар шуни кўрсатадики таълим сифатини ошириш бўйича Ҳукумат ўзига тегишли бўлган барча функцияларни бажариб келмоқда. Энди навбат ОТМларнинг ўзига келди. Агар ОТМлар томонидан ушбу меъёрий хужжатларда

кўрсатилган топшириқлар бажарилмас экан, таълим сифатини ошириш ва уни назорат қилиш, шунингдек, соҳаларни етук кадрлар билан таъминлаш масаласи оқсаб қолаверади.

Таълим сифатини ошириш учун аввало, унга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш мақсадга мувофиқ саналади. Ҳозирда таълим сифатига таъсир қилувчи муаммоларни иккита катта гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин, ташқи ва ички омиллар.

1. Таълим сифатига таъсир қилувчи ташқи омилларга: двлатнинг ҳозирги кундаги таълимга эътибори ва таълим



сиёсати; рақобатчи олий таълим муассасаларининг ҳолати; таълим тизими инфраструктураси; кадрлар буюртмачилари.

2. Таълим сифатига таъсир қилувчи ички омилларга: таълим муассасаларининг ўқув услубий таъминоти; талабаларнинг давомати; профессор ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти; ОТМнинг моддий техника баъзаси; профессор ўқитувчиларнинг дарс ўтиш салоҳияти; рейтинг баҳолаш тизими; таълим тизимида коррупцион ҳолатларнинг мавжудлиги.

Шуни унутмаслик керакки, таълим сифати муаммоларини ҳал қилишда тизимли йўналишда фойдаланиш керак. Барча омилларни биргаликда бошқариш керак. Бу занжирдан бирон-бир омилни тушиб қолиши таълим сифатини бошқариш тизимида бузилишига олиб боради.

Таълим соҳасининг ижтимоий аҳамиятини белгиловчи асосий параметри бўлиб таълим сифати ҳисобланади. Талимнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатларини ўз ичига олган сифат тушунчаси талим фаолияти натижаларининг ажралмас характеристикаси сифатида қабул қилинади. Кадрлар сифати, таълим дастурлари, талабаларни тайёрлаш, олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва бошқа фаолият турларини ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Харви ва Грин олий таълим сифатини: 1) талим муассасалари битирувчиларини ижобий натижага эришишга қаратилган махсус жараён; 2) талим олиш вақтида такомиллаштириб бориш жараёни; 3) мақсадларга мувофиқлиги, яъни истеъмолчиларнинг сўровлари,

талаблари ва умидларини қондириш; 4) инвестициялар натижаси; 5) такомиллаштириш, талабалар учун имкониятлар яратиш ёки янги билимларни ривожлантиришдаги ўзгаришларни билдирувчи трансформациялар деб тариф беришади. В. Сенашенко ва Г. Ткач ҳар бир битирувчига нафақат ўзи учун меҳнат фаолиятининг мақбул жойини топишга, балки зарурат туғилганда уни оғриқсиз ўзгартиришга, узликсиз ишлашнинг энг мос шаклини мустақил равишда танлашга ва амалга оширишга имкон берадиган сифатли талимни деб тушунишади.

Россия олий таълим муассасаларида қуйидаги хусусиятларни сифатли талимга боғлайдилар:

- 1) шахснинг касбий ривожланишига ҳисса қўшиши (31%);
- 2) меҳнатсеварликка, билим олишга виждонан муносабатга асосланган (15%);
- 3) ишга жойлашиш кафолатини беради (9%);
- 4) амалиётга имкон қадар яқинроқ, ёш мутахассиснинг ишлаб чиқариш жараёнига тез аралаштириш имконини беради (8%);
- 5) замонавий о'қитиш технологияларига эга бўлган кучли профессор-о'қитувчилар таркиби (7%);
- 6) талимнинг тижорат шаклларига мос келмайдиган (4%);
- 7) мутахассислар тайёрлашнинг глобал талабларига жавоб беради (3%);
- 8) инсоннинг умумий маданияти, кенг билим ва юксак ахлоқий фазилатларини ривожлантиришга ёрдам беради (3%) [2].



Ўқув жараёни сифатини бошқариш - бу кенг қамровли, мақсадли, мувофиқлаштирилган жараён бўлиб, унинг мақсади мутахассислар тайёрлаш жараёнида таълим стандартлари натижаларнинг стандартларда, хусусан, кадрлар тайёрлаш йналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартларида белгиланган параметрларга максимал даражада мос келишига эришиш бўлиб ҳисобланади.

Европа давлатларида стандартлар ва тавсияларга мувофиқ, олий таълим сифатини ташқи ва ички таъминлашнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- 1) тақдим этилган сифат учун олий таълим ташкилотчиларининг жавобгарлиги;
- 2) олий таълим сифати ва стандартларига нисбатан жамият манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳимоя қилиш;
- 3) таълим дастурлари сифатини доимий равишда ошириш;
- 4) шаффоф ташқи экспертизадан фойдаланиш;
- 5) университетларда сифатли маданиятни ривожлантиришни рағбатлантириш;

б) университетнинг мамлакат ичида ҳам, халқаро миқёсда ҳам сифатли таълим кўрсатишига эришиш.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқдаки бу муаммолани ҳал қилишда барча бирдек иштирок этиши лозим.

Олимлар олий таълим сифатини баҳолаш бўйича уни такомиллаштиришга қаратилган тизимли ва даврий ишларни олиб бориш зарурлигини та'кидламоқда.

### References:

1. Захаров Ю.А. Основные пути повышения качества высшего образования / Ю.А.Захаров, В.А.Москинов // Университетское управление. - 2005. - № 1(34).
2. Сенашенко В. Болонский процесс и качество образования / В.Сенашенко, Г.Ткач // ALMA MATER Вестник высшей школы. - 2003. - № 8.
3. Ерматов И. Т. К проблеме качества образования в высшем образовательном учреждении. Сборник материалов 1 Международной научно – практической конференции «Актуальные проблемы внедрения инновационной техниеи и технологий на предприятиях по производству строительных материалов, химической промышленности и в смежных отраслях». Фергана, 24 – 25 мая 2019 года, 2 – том, стр. 541 – 544.



4. Исманов И. Н., Ерматов И. Т., Фарғона политехника институтида сифатли таълимни ривожлантириш масалалари. Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali, Том 1, № 2, стр. 39 – 51. Издатель ООО «AL-FERGANUS»
5. Ерматов И. Т., Таълим сифатини оширишга қаратилган маъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни таълимда илғор педагогик технологияларни қўллашнинг айрим масалалари. “Кимй, озиқ-овқат ҳамда кимёвий технология маҳсулотларини қайта ишлшдаги долзарб муаммоларни ечишда инновацион технологияларнинг аҳамияти” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2021 йил 23-24 ноябрь, 227-229 бетлар. Наманган – 2021й.
6. Камбаров Ж.Х., Ерматов И. Т. ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ВА МОНИТОРИНГ ТИЗИМИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ. Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali 2022 г., том 2, № 1, 41-50. ООО «AL-FERGANUS».